

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2023

6/3-сан

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоғарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ғәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы ғуўалық берилген.*

Нөкис

6/3-сан 2023

декабрь

Шөлкемлестіріушілер:

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендируі Министрлиги,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Адхамжон АБДУРАШИТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Интизар АБДИРИМОВА
Мавлюда АЧИЛОВА
Нуриддин АЧИЛОВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Марифжон АХМЕДОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Ботир БОЙМЕТОВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА
Шахло БОТИРОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Алишер ЖУМАНОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Холбой ИБРАГИМОВ
Умида ИБРАГИМОВА
Лола ИСРОИЛОВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Захия НАРИМБЕТОВА
Мехри НАРБАШЕВА
Улфат МАҲКАМОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Нуржан МАТЧАНОВ
Сафо МАТЧОН
Шукурилло МАРДОНОВ
Шахсанам МАТУПАЕВА

Лобар МУХТОРОВА
Камаладин МАТЯКУБОВ
Раъно ОРИПОВА
Бахтиёр РАХИМОВ
Фурқат РАЖАБОВ
Сайёра РАХМОНОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Дилшода САПАРБАЕВА
Феруза САПАЕВА
Зайниддин САНАҚУЛОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Нурзода ТОШЕВА
Қуанишбек ТУРЕКЕЕВ
Гулноз ТУРАЕВА
Гулмира ТОЖИБОЕВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Дилбар ҚАРШИЕВА
Вохид КАРАЕВ
Дилбар ҚОДИРОВА
Ризамат ШОДИЕВ
Абдушукур ШОҒҚОРОВ
Дилфуза ШАББАЗОВА
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Гулрухсор ЭРҒАШЕВА
Гавхар ЭШЧАНОВА
Қонысбай ЮСУПОВ



МАЗМУНЫ

ТИЛ ХАМ АДЕБИЯТ

Raximova N. Xorijiy tilni o'qitish sharoitida bo'lajak tibbiyot mutaxassislarining umummadaniy kompetensiyasini rivojlantirishning ahamiyati	7
Atamuratov R. Raqamli transformatsiya - ta'lim samaradorligining asosi	14
Norov N. Husayn Voiz Koshifiyning axloqiy qarashlarida adolat kategoriyasi	21
No'monxonova M. Axborot texnologiyalari va bo'lajak tilshunoslarning kommunikativ kompetensiyalari metodikasini rivojlantirishi va hozirgi holati	26
Суюнов Б.Т. Тезаурус – лингвистик тараққиёт омили	33
Shofqorov A.M. Hamid Olimjonning takrordan foydalanish mahoratiga doir	39
Fayzimatova N. Kinship terms and teknonymy	44
Nazarova R. Effectiveness of teaching through riddle	51
Nishonova Sh. The role of gestures in effective communication	56

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Tilegenov A.T. Yoshlarda milliy g'oyani shakllantirishda xalq og'zaki ijodidan foydalanishning metod va vositalari	61
Xalikov F. Ta'lim tizimida testologik texnologiyalardan foydalanishning pedagogik mazmuni	66
Rasulova G. Adabiy ta'limida o'quv topshiriqlarini ishlab chiqishning ilmiy-nazariy asoslarini takomillashtirish	76
Baisov A. Umumta'lim maktablarida ingliz tilini o'qitish muammolari	82
Mirsultonov I.M., Xasanov A.R. O'qituvchilik kasbida barqarorlikni shakllantirish muammosining mavjud holati	86
Jo'raev Yu.K. Pedagogik oliy ta'lim muassasalarida elektrotexnika fanini o'qitishda ta'lim usullaridan amaliy foydalanish yo'llari	90
Yo'ldosheva D. Kreativlikni rivojlantirish muammosiga doir xorijiy tadqiqotlarning retrospektiv tahlili	94
Tojiboyev J. Kreativ yondashuv asosida talabalarning badiiy-estetik kompetentligini rivojlantirish mazmunini belgilashning pedagogik talablari	102
Siddiqov B. O'quvchilarning aksiologik kompetentligini rivojlantirish tushunchasi va tahlili	108
Mexmonaliyev Sh.N. Husayn Voiz Koshifiy ijodida axloqiy tarbiya masalalarining yoritilishi	113
Muminova D. Oliy ta'lim muassasalarida ta'limni tashkil etishda shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalarining pedagogik imkoniyatlari	120
Axmedov B.A. Muammoli ta'limda suqrotona yondashuv metodikasi	126
Bobumurodova L.E. Talabalarning kasbiy-metodik ijodkorligini rivojlantirish	131
Abdusattorov A., O'rinoва N. O'zbek xalq cholg'ulari orkestri vositasida bo'lajak musiqa fani o'qituvchisining ijodiy kompetentligini rivojlantirish metodlari	136
Aliyeva M. Pedagogik amaliyot jarayonida bo'lajak biologiya o'qituvchilarining kasbiy-metodik tayyorgarligini takomillashtirish	146
Ражабов Х. Рақамли таълим муҳитида бўлажак кимё ўқитувчилари ахборот-метodik kompetentligini takomillashtirish muammosi	151
Saydullayeva A. Ta'limda gender madaniyatni rivojlantirishda ijtimoiylashuv jarayonining pedagogik-psixologik ahamiyati	157
Mamayusupov J. Analitik tafakkurni rivojlantirishda pedagogning intellektual faolligi va uning o'ziga xos xususiyatlari	164
Toshaliyev D. Milliy musiqiy meros va unga o'quvchilarda aksiologik munosabatni shakllantirishning ijtimoiy ahamiyati va tarbiyaviy xususiyatlari	169
Shermatova Y.S. Biologiya fanini o'qitishda zamonaviy metodlar	177
Yuldosheva D.T., Maxammadaminova D.A. Aqli zaif o'quvchilar nutqining fonetik tomondan buzilishi va ularni bartaraf etish yuzasidan logopedik ishlar	181
Oppoxo'jayev X.A. Inklyuziv ta'lim sharoitida o'quvchilarni o'zini -o'zi rivojlantirish kompetensiyalarini rivojlantirish	189



Raxmonov A.R. Ta'lim innovatsiyalari va zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish imkoniyati	193
Karomov B.K. O'qituvchilarning kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirishning psixologik mohiyati	199
Лухманов Д.Б. Миллий анъаналардан фойдаланиш технологиялари асосида касбий-педагогик фаолиятини ташкил этиш муаммосининг назарий ва амалий ҳолати	207
Xalmuxamedova M.A. Talabalarining kasbiy kompetentligini takomillashtirishda mehnatning roli	213
Ismoilova N.S. Talabalarda kreativ faoliyatni rivojlantirishning mavjud holati	219
Жўраев Ш.М. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив позицияни ривожлантиришнинг тузилиши ва ўрни ҳамда аҳамияти	225
Жўраев Ш.М. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив позицияни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда даражалари	233
Bekqulov Q.Sh., Barakayeva Ch .S. Darsdan tashqari vaqtlarda talabalarining mustaqil ijodiy ish faoliyatini tashkil etish bosqichlari	241
Raxmanova M. Q. Individual o'qitish texnologiyasi asosida o'quvchilarning faolligni rivojlantirish	246
Quyliyeva O.R. Ilk katta sinf o'quvchilariga texnologiya darslarini o'qitishda kasbga yo'naltirish tamoyillarini shakllantirish masalalari	253
Ismailova D. R. Talabalarining axloqiy-madaniy kompetensiyalarini rivojlantirish mexanizmlari	259
Abdirimova I.K. Klaster modeli asosida o'quvchilar loyihalash faoliyatini shakllantirish	264
Ortiqov O.A. Marketing tadqiqotlaridagi zamonaviy yondashuvlar tahlili	269
Qurbonova M. F. Ixtisoslashtirilgan maktablarning tashkil etish zarurati	273
Исманова М.А. Талабаларда ижодий-креативлик сифатларини ривожлантириш	277
Bekturdiyev Q.B. Ta'limda boshqaruv tizimi samaradorligini oshirishning o'ziga xos xususiyatlari	282
Наркабилова Г. К вопросу о потребности формирования цифровой грамотности студентов	286
Боймирзаева Д. Совершенствование механизмов организации и управления процессом формирования социальной креативности у будущих менеджеров образования	290
Юлдашева Г. Развитие профессиональной компетентности у будущих студентов педагогического ВУЗа	294
Умарова Г. Аспекты, заложенные в содержание профессиональных знаний будущих инженеров на основе интегративного подхода	300
Tashpulatov R.Kh., Saidnazarova S.F. Investigation of the quality of additionally acquired knowledge of the learning process	308
Sarsenbaev D. Pedagogical approaches in developing communicative competence	313

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Melikuzieva M. Talaba-yoshlarning ma'naviy axloqiy tarbiyasini rivojlantirishda Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u blig" asarining tarbiyaviy imkoniyatlari	324
Siddiqov I. Virtual muzeylar va ularning bo'lajak tarix o'qituvchilarida informatsion-analitik kompetentlikni rivojlantirishdagi o'rni	330

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Jumanqo'ziyev O'. Informatika fani darsligi dasturlash tillari bo'limlari mazmuni	336
Shirinov F.Sh. Multimedia texnologiyalarini ta'lim sohasida qo'llanilishi	344
Jumanqo'ziyev O'. Umumta'lim mkatablari o'quvchilarining axborot madaniyatini shakllantirishda dasturlash tillarining o'rni	349
Sulaymanova D. Texnik tizimlarda axborot texnologiyalari fanini o'rgatishda web-quest texnologiyasidan foydalanish	357
Yusupov M.R. Ba'zi matnli masalalarni yechish usullari	



БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА РЕФЛЕКСИВ ПОЗИЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИ

Жўраев Ш.М.

*Чирчиқ давлат педогогика университети
“Жисмоний маданият назарияси” кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: рефлексив позиция, бўлажак ўқитувчилар, мезонлар, кўрсаткичлар, даражалар, компонентлар, талабалар, педагогик рефлексия, рефлексив позицияни ривожлантириш.

Ключевые слова: рефлексивная позитивность, будущие учителя, критерии, показатели, уровни, компоненты, студенты, педагогическая рефлексия, развитие рефлексивной позитивности.

Key words: reflexive positivity, future teachers, criteria, indicators, levels, components, students, pedagogical reflection, development of reflexive positivity.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсад қилиб белгиланган [1].

Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив позиция ривожланганлигининг мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини тавсифлаш учун уларнинг таърифига мурожаат қилиш керак бўлади. Ожегов лугатида мезон – бу сифат бўлиб, унинг асосида баҳо бериш мумкин, кўрсаткич – бу белги, у бўлажак ўқитувчилар рефлексив позициясининг ривожланишини намойиш қилиши мумкин. Кўрсаткичларни қиёслаш шахснинг аниқланаётган сифати қай даражада эканлигини аниқлаш имконини беради – юқори, ўрта ёки пастми.

Бўлажак ўқитувчилар рефлексив позицияси ривожланишининг мезонларини турли нуқтаи назарлардан кўриб чиқамиз. Биринчидан, мезон фикр юритишни ўлчашнинг баҳолаш компоненти сифатида кўрилади.



Иккинчидан, мезонлар рефлексив позициянинг ўсишини ҳамда бу сифатнинг бўлажак ўқитувчилар умумий касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга таъсирини баҳолаш имконини берадиган кўрсаткич сифатида ифодаланади. Ва, учинчидан, мезонлар ўқитувчилар касбий фаолиятини амалга оширишнинг ижтимоий маъқулланган меъёрлари ва алгоритмлари вазифасини бажаради.

Бўлажак ўқитувчилар рефлексив позицияси даражасини тавсифлашга ёрдам берадиган мезон ёки кўрсаткичлар икки турда бўлиши мумкин: ўқитувчига нисбатан ташқи (объектив) ва ички (субъектив). Ташқи мезонлар ишончли ўқитувчилар жамоаси, педагогик-психологик технологиялар миқдори ва сифати, ўқитувчилар рефлексив позицияси даражасини оширишга кўмаклашадиган янгиликларни ўзлаштириш каби ўқитувчи фаолияти натижадорлиги кўрсаткичларини ўз ичига олади. Ўқитувчилар рефлексив позицияси даражасини баҳолаш мезонларининг ички, субъектив гуруҳини қуйидагилар ташкил қилади: касбий мотивация; шахснинг касбий жиҳатдан аҳамиятли фазилатлари; касбий билим, кўникма ва малакалари; шахсий аҳамиятга эга фазилатлар, рефлексив ўзини ўзи баҳолаш ва даъволари даражаси; бўлажак ўқитувчи шахсининг ўзини ўзи тартибга солиш ва стрессларга бардош бериш қобилияти; шахсий характеристикалари ва ўзига хос хусусиятлари.

Бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятини тадқиқ қилиш натижасида ўқитувчи билим, кўникма ва малакалари, иш тажрибаси ва билимдонлиги даражасига қўйиладиган талабларни ўз ичига олган ҳамда касбий хулқ-атворини тавсифлайдиган рефлексив позициясининг мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланади.

“Рефлексив позиция – бу рефлексив жараёнларни ниҳоятда самарали ва адекват равишда амалга ошириш имконини берадиган шахснинг касбий фазилатидир, у ривожланиш ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини, ўқитувчи касбий фаолиятига ижодий ёндашишни, унинг юксак самарадорлиги ва натижадорлигига эришишини таъминлайди” [2; 98].

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчининг рефлексив позицияси ривожланганлигининг олти асосий компонентларини ажратиб олдик, булар: эҳтиёжли - мотивацияли, когнитив - таҳлилий, коммуникатив - муносабатли, эмоционал - фаолиятли, маъно яратувчи ва касбий-изланувчан. Ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

Шахс рефлексив позициясини ривожлантириш жараёнини бошқариш – бу бўлажак ўқитувчининг ўз касбий фаолиятига қарашидир (1-жадвал).



Юқорида таъкидланганидек, бўлажак ўқитувчи рефлексив позицияси ривожланганлигининг белгиси ва кўрсаткичи рефлексив позиция ривожланиши тенденцияларини аниқлаш имконини бериши мумкин. Кўрсаткичларни қиёслаш шахснинг аниқланаётган сифати қай даражада эканлигини аниқлаш имконини беради – юқори, ўрта ёки пастми.

Бўлажак ўқитувчи рефлексив позициясининг ривожланиши учун жавоб берадиган, биз томондан ажратилган компонентлар ривожланганлик даражасини баҳолаш имконияти, шунингдек бўлажак ўқитувчи рефлексив позициясини ривожлантирувчи технологияларни танлаб олиш даражавий ёндашувни тақозо қилади. Бу, талабалик ёшга хос индивидуал ўзига хос хусусиятларни билишга таяниб, тарбия жараёнини табақалаштириш имконини беради, чунки мазкур ёндашувни қўллаш турли даражавий топшириқларни бериш орқали ҳар бир талабада рефлексив позицияси тузилишининг у ёки бу компонентининг мумкин бўлган ривожланганлик даражасини олдиндан айтиб бериш имконини беради. Мазкур топшириқлар устида амалий иш (якка тартибда ёки гуруҳда) бўлажак ўқитувчилар имкониятларини самарали рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Шунингдек ушбу ёндашувни қўллаш “ривожланиш” атамасини унинг тор маъносида тушуниш имконини беради ҳамда ўзлаштиришнинг куйидан юқорига йўналтирилган уч даражасини, яъни мос равишда репродуктив, мослашувчан-вазиятли, ташаббусли-ижодий даражаларни киритади.

1-жадвал

Талабаларда рефлексив позицияни ривожлантириш компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари

Компонентлар	Мезон ва кўрсаткичлар
1	2
Эҳтиёжли-мотивацияли	ўқитувчи билиш жараёнининг фаоллигида намоён бўладиган ўз қасбий фаолияти ва умуман ўз ҳаётига ҳиссий, эмоционал, диққат билан муносабатда бўлиши. Билиш жараёнининг фаоллиги объекта нисбатан диққат ва ижобий ҳис-туйғуларда, бошқа одамларни ўрганишга, одамларнинг бир-бирини “кўзгуда акс эттириши”га қизиқишда ифодаланади; қийинчиликни ҳис қилиш; педагогик шубҳаларни ҳал қилиш зарурлигини англаш, бирон нарсада амин бўлиш ёки унга ишонмаслик; қийинчиликлар ва уларнинг chegarаларини аниқлаш; қийинчиликларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш; ҳаракатларнинг мумкин бўлган йўллари ҳақида фикр юритиш; ўз ҳаракатларини рад қилиш ёки тан олишга олиб келадиган кейинги кузатувлар, ҳаракатлар ёки ўзини тутишнинг бошқа имкониятларини излаш.



Когнитив-таҳлилий	шахсни ақлий билиши, ушбу билиш ўз ичига қуйидагиларни олади: тафаккур, идрок, хотира, билимлар, компетентлик, малака, кўникмалар, қарор қабул қилиш, касбий фаолиятнинг натижага қаратилганлиги; ўқитувчи томонидан ўз тажрибасини қайта англаши, муаммони акс эттириш ва, қоидага кўра, ўз фаолияти, мулоқот, хулқ-атвор ва шахсий “Мен”ига нисбатан фаол, таъсирчан муносабатда бўлиш. Ўз тажрибасини бошқалар тажрибаси билан солиштириш, эришилган ечимларни танқидий баҳолаш қобилиятининг намоён бўлиши. Мазкур мезонга, шунингдек, талабанинг ютуқлар, афзалликлар ва камчиликларни ажратиш қобилияти, кейинги изланиш йўллари аниқлаш, яъни ўзини ўзи камол топтириш, ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятининг намоён бўлиши, ўз ишида рефлексив вазиятни аниқлаш қобилияти, шунингдек янги методика, технология ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқишда рефлексияни қўллаш.
Коммуникатив-муносабатли	шахслараро муносабатларни қуришни билишда намоён бўладиган самарали коммуникация. Мазкур мезон мулоқот унумли ўтиши учун педагогик жараёнда иштирокчилар билан коммуникатив муносабатни тўғри қуриш имконини беради. Ўқитувчининг ўз шахсини рефлексив баҳолаш қобилияти ўз-ўзига ва ўз фаолиятига рефлексив муносабатда бўлиш асосида ривожланади, шунингдек эмпатияда, яъни инсонлар ҳис-туйғу ва фикрларини тушунишга ҳаракат қилишда, инсон томонидан атрофдаги одамлар (ҳамкасблар, ўқувчилар, ўқувчилар ота-оналари ва бошқалар) билан ўзаро таъсир жараёнида инсонлараро муносабатлар асосларини ўзлаштириш.
Эмоционал-фаолиятли	турли усул ва шакллар асосида ўқитувчи томонидан ўз фаолиятини эмоционал тарза қайта англаши, хусусан, шахснинг олами тарқ этган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларига диққатини жамлаш кўникмаси. Ўқитувчи ўз камчиликлари ва афзалликларини қайта кўриб чиқади, хулосалар, талқинлар, тушунчалар, фаразлар ва ҳ.к.лар устида фаол фикр юритади. Мазкур мезон мутахассис иш жараёнида ўзининг вазминлик, пухта ўйлаб иш қилиш, характерининг қатъийлиги каби энг яхши фазилатларини намоён
Маъно яратувчи	ўз-ўзини таълим олувчиларга мутахассис сифатида тўғри тақдим қилиш, шунингдек профессионал даражада муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишда намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчи рефлексив тафаккур фаолиятининг муҳим қисми эканлигини тушуниши, диққатини ўз фикрлари, ҳаракатларига жамлашни билиши, уларнинг бўш томонларини аниқлаши ва ўз фаолиятини бунинг асосида лойиҳалаши ва яхшилаши керак.



Касбий-изланувчан	муносабатлар ва хусусиятларни ўз ичига олган ва фаолият субъекти сифатида тавсифлайдиган, бўлажак ўқитувчи шахсининг динамика тарзда янгиланиши сифатидаги унинг профессионализи ва етуклиги, касбий инновацияларга очиклиги; нормативларга танқидий муносабат; мотивлар ва диспозициялар асосида касбий фаолиятни таҳлил қилиш ва ўзини ўзи таҳлил қилиш; ўз-ўзини рўёбга чиқаришга фаол интилиш; норматив берилганлик чегарасидан чиқиш; педагогик фаолиятнинг муаммоли ва вазифалилиги, белгиланган нормативлик чегарасидан чиқиш йўллари излаш ва янги технологияларни жорий қилиш қобилияти.
	қилиши, уларни ўзини ўзи, ўз ички дунёсини билиш асосида ривожлантириши учун жавобгардир.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчи рефлексив позицияси ривожланганлигининг уч даражасини ажратдик, булар: репродуктив даража дастлабки кўникмаларни, ҳаракат мақсадларини англашни, уларни бажариш йўллари излашни белгилайди, синаб кўриш ва хатолар усули ёрдамида талабаларга янада ўзини ўзи камолга етказишни кўзда тутди; мослашувчан-вазиратли даража – муайян даражагача усталик билан фаолият юритиш бўлиб, алоҳида операциялар, усулларни бажариш кўнималарини эгаллаш, зарур билимларни аниқлаштириш, мазкур ҳаракатларга тегишли кўникмаларнинг ривожланганлиги, фаолиятда ижоднинг намоён бўлиши билан тавсифланади, бу эса, ўз навбатида, талабалар коммуникатив компетенциясининг меъёрий компонентини тавсифлайди; ташаббусли-ижодий даража – усталик билан юритиладиган фаолият бўлиб, у билим, кўникма, малакалардан ижодий фойдаланиш, мазкур фаолиятга эришиш учун усул ва воситаларни танлашда, унинг мақсад ва мотивларни англашда намоён бўлади.

Репродуктив (паст даража) эҳтиёжли-мотивацион мезон доирасида талабанинг бўлажак касбий фаолиятига кучсиз эмоционал ва ҳиссий, иштиёқсиз муносабатида, бошқа шахсларга қизиқиш ҳисси йўқлигида намоён бўлади; бундай талаба ўзига жуда ишонган бўлиб, унда рефлексиянинг ажралмас омили бўлган педагогик шубҳа йўқ. Коммуникатив-муносабатли мезон доирасида талаба “ёпиқ” бўлади, коммуникация ва шахслараро муносабатга интилиши йўқ, атрофдаги одамлар ва ўқувчилар билан муносабат қуришни истамайди, ўзгалар ҳис-туйғу ва фикрларини тушунишга ҳаракат қилмайди. Эмоционал-фаолиятли мезон доирасида талаба ўз ҳаракатлари, камчиликлари ва афзал томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қилмайди, фаол талқинлар, фикр-мулоҳаза, тушунча ва хулосаларга интилмайди. Касбий-изланувчан мезон доирасида талаба касбий инновацияларни эгаллашга интилмайди, ўзининг педагогик-психологик фаолиятини



таҳлил қилмайди; ўзини ўзи камол топтириш ва ўз-ўзини рўёбга чиқаришга мойил эмас, яъни ўз истикболини кўра олмайди, таълимда муаммоли вазиятларни яратмайди.

Рефлексив позиция ривожланганлигининг паст даражасида когнитив-таҳлилий мезон доирасида талабада ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасидан билим (сабоқ) чиқариб олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаси ривожланмаган, унинг ҳаракатлари натижага қаратилмаган, шунинг учун педагогик жараён мақсадига эришолмайди. Паст рефлексив позицияга эга ўқитувчи ўзининг низоли ва муаммоли вазиятларни акс эттирувчи олдинги тажрибасини қайта кўриб чиқишни мақсад қилмайди. Маъно яратувчи мезон доирасида талаба ўз фикрлари ва уларнинг моҳиятига диққатини жалб қилмайди, муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмайди, уларнинг ечимларини топиш йўллари изламайди; ўз ҳаракатларини лойиҳалаш ва моделлаштириш технологияларига эга эмас ва уларни англашга ҳаракат қилмайди, ўз шахси, бўлажак касбий фаолияти, ўзининг кучли ва бўш томонларини билишни зарур деб ҳисобламайди.

Ўрта даражага мос мосланувчан-вазиятли даража, эҳтиёжли-мотивацион мезонига кўра, талабанинг бўлажак касбий фаолиятига ёмон бўлмаган эмоционал ва ҳиссий, иштиёкли муносабатини, бошқа шахсларга ижобий ҳис-туйғулар ва қизиқиш борлигини ифодалайди; бундай талабада педагогик шубҳа қисман намоён бўлади. Коммуникатив-вазиятли мезонга кўра, талаба кўп ҳолларда “очиқ” бўлади, коммуникация ва шахслараро муносабатларга интилишни намоён қилади, атрофдаги одамлар ва ўқувчилар билан муносабатларни қуради, ўзга одамлар ҳис-туйғулари ва фикрларини тушунишга ҳаракат қилади. Эмоционал-фаолиятли мезон доирасида талаба ўз ҳаракатларини таҳлил қилишга интилади, ўзининг камчиликлари ва афзал томонларини “ҳис” қилади, фаол талқинлар, фикр-мулоҳазалар, тушунча ва хулосаларга ҳаракат қилади. Лекин, шундай бўлса ҳам, тахмин ва фаразларни қийинчилик билан қуради. Касбий-изланувчан мезон доирасида талаба касбий инновацияларни эгаллашга ҳаракат қилади, ўз педагогик-психологик фаолиятини таҳлил қилади; ўзини ўзи тақомиллаштиришга ва рўёбга чиқаришга мойил ҳамда мазкур босқичда ўз касбий фаолиятининг истикболларини кўра олади; таълимда муаммоли вазиятларни ҳар доим ҳам онгли равишда яратмайди ва унинг фаолиятида муаммоли вазиятлар камроқ юзага келади.

Рефлексив позиция ривожланганлигининг ўрта даражасида, когнитив-таҳлилий мезон доирасида, талабада педагогик жараённинг мақсадга йўналганлиги намоён бўлиб, ўз фаолиятида ўзининг ва ўзгаларнинг та-



жрибасидан фойдаланади. Рефлексиянинг ушбу даражасида ўқитувчида низоли ва муаммоли вазиятларни акс эттирувчи ўз тажрибасини қайта англашга ёндашув ривожланади. Маъно яратувчи мезон доирасида талаба ўз фикрларига диққатини жамлайди, муаммоларни ҳал қилишга ва уларни ечиш усуллариини излашга ҳаракат қилади; ўз ҳаракатларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва англаш технологияларига эга, ўз шахсини, бўлажак касбий фаолиятини, ўзининг афзал томонлари ва камчиликларини билиш-ни зарур деб ҳисоблайди.

Ташаббусли-ижодий юқори даражага мос эҳтиёжли-мотивацион мезон доирасида талабада бўлажак касбий фаолиятига юқори даражада эмоционал, ҳиссий, иштиёкли муносабат ривожланганлиги, бошқа шахсларга эмоционал қизиқиш мавжудлигида ифодаланади; бундай талаба ҳар доим педагогик шубҳани намоён этади. Коммуникатив-муносабатли мезон доирасида талаба ҳар доим “очиқ” ва эмпатияга эга, ҳар қандай коммуникацияга осон киришади, шахслараро муносабатларни тўғри қуришни билади. Эмоционал-фаолиятли мезон доирасида талаба ўз ҳаракатларини ҳар доим таҳлил қилади, ўзининг камчиликлари ва афзал томонларини чуқур ҳис қилади, талқинлар, фикр-мулоҳазалар, тушунча ва хулосалардан таҳмин ва фаразларни фаол равишда қуради. Касбий-изланувчан мезон доирасида талаба касбий инновациялар, янгиликларга интилади, янги методика ва технологияларни излаш билан ўзи шуғулланади; ўз-ўзини билиш ва таҳлил қилиш фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини тушунади, таълимда муаммоли вазиятларни ҳар доим онгли равишда яратади, ўз касбий фаолиятининг узокдаги истикболларини кўради.

Рефлексив позиция ривожланганлигининг юқори даражасида, когнитив-таҳлилий мезон доирасида бўлажак ўқитувчининг ўз фаолиятида натижага касбий йўналганлиги намоён бўлади; юқори даражали рефлексияга эга мутахассис ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасини қайта англайди ва ундан усталик билан педагогик-психологик фаолиятида муаммоли-низоли вазиятларни акс эттиришда фойдаланади.

Маъно яратувчи мезон доирасида талаба ўзининг фикрлари ва уларнинг моҳиятига, муаммоларни ҳал қилишга уларни бартараф этиш усуллариини излашга диққатини юқори даражада жамлайди; ўз ҳаракатларини лойиҳалаш, моделлаштириш ва англашнинг самарали технологияларига эга, ўз шахсини, бўлажак касбий фаолиятини, ўзининг афзал томонлари ва камчиликларини билишни зарур деб ҳисоблайди.

Ўқитувчи, рефлексив позицияси яхши ривожланган ҳолда, касбий масалаларни ҳал қилишга самарали ва касбий ёндашади, чунки рефлексив



позиция компонентлари ўз тафаккурини тўғри баҳолаш, уни назорат қилиш, лойиҳалаш, тартибга солишга ҳамда фикрларини мантиқий йўналтиришга ёрдам беради [3; 216].

Бўлажак ўқитувчилар рефлексив позицияси ривожланишининг мезонлари бўлиб турли кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин, уларга мутахассис баён қилинаётган материалнинг мантиқийлиги, изчиллиги, аниқлиги, тушунарлилиги каби сифатни киритиш мумкин. Агар ўқитувчи баён қилаётган материалга ўзи фаол қизиқса, муаммонинг долзарблигини асослаб бера олса, маълумотларни ишончли қилиб баён қилса, тингловчиларга ижобий муносабатини намоиш қилсагина аудиторияни қизиқтириши мумкин. Ўқитувчи касбий фаолиятида эмоционаллик, илмийлик, янгилик, ижодий ёндашув, билимнинг долзарблигини англаш ҳам катта аҳамият касб этади. Рефлексив позицияни олимлар ўз педагогик ҳолатига рефлексив баҳо бера олиш, яъни “Педагогик рефлексия ривожланганлиги” сифатидаги ўқитувчини баҳолаш мезонининг компоненти сифатида кўрадилар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори, 2017 йил 27 июль.
2. Деркач А.А., Семенов И.Н., Степанов С.Ю. Психолого-акмеологические основы изучения и развития рефлексивной культуры гос-служащих. М. 1998. – 2010. – 98 с.
3. Бизяева А.А. Психология думающего учителя: Педагогическая рефлексия. – Псков: ПГПИ им. С.М. Кирова, 2004. – 216 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларда рефлексив позицияни ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари очиб берилган. Шунингдек, таҳлил асосида бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив позицияси бўйича ўқитувчиларнинг хилма-хил умумкасбий кўникмаларига асосланган умумлашган кўникмалар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются критерии, показатели и уровни развития рефлексивной позитивности у будущих учителей. Также, на основе проведенного анализа, описаны обобщенные навыки, основанные на разнообразных универсальных навыках учителей, на рефлексивной позитивности будущих учителей.

SUMMARY

This article reveals the criteria, indicators and levels of development of reflexive positivity in future teachers. Also, on the basis of the analysis, generalized skills based on a variety of universal skills of teachers, on the reflexive positivity of future teachers are described.